

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Давлат бюджети ижроси кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилги ҳамда 2018 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаражатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг иқтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожлантирилиши ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди.

2017 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5,3 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми – 7,0 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги – 2,0 фоиз, хизматлар – 8,9 фоиз ҳамда қурилиш – 5,6 фоизга ўсиши таъминлангани қайд этилди.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш орқали Давлат бюджети 337,3 млрд сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқ-

дорида профицит билан ижро этилган.

Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги таъминланди.

Ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджети харажатларининг 55,2 фоизи миқдориди маблағ сарфланди. Ижтимоий харажатларнинг 58,7 фоизи таълим тизимини сақлаш ва ривожлантиришга ҳамда 26,9 фоизи соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларига сарфланганлиги мамлакатда инсон капиталини ўстиришга ва аҳоли саломатлигини таъминлашга бўлган эътибордан далолат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш давомида депутатлар Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши ва харажатларининг сарфланиши ҳолатини таҳлил қилдилар.



Тақдим этилган ҳисоботлар депутатлар ва сенаторлар томонидан жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш жараёнида Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳали ечимини қутаётган масалалар борлигига қаратиб, жорий йилнинг биринчи чорагида маҳаллий бюджетлар даромадига 874,0 млрд сўм қўшимча тушган маблағларни айланиш шунинг билан ҳал этишга йўналтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифни илгари сурдилар.

«Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ҳам жуда катта

молиявий маблағлар кўзда тутилганлиги таъкидланиб, уларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини ҳам эслатиб ўтилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Мажлис якунларига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ҳамда 2018 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Қонунчилик палатасининг Аxbорот хизмати материали асосида.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

2018 йил 1 июндан нима ўзгарди

Лицензиялар сони анча камайди; айрим ташкилотларга солинадиган солиқлар пасайтирилди; корпоратив ҳайдовчилар хусусий курсларда малака оширишлари мумкин ва 1 июндан амал қила бошлаган яна 6 та янгилик.

Биринчиси. Бизнес соҳасидаги лицензиялар ва рухсат бериш тартиб-таомиллари камайди. 7 турдаги лицензия ва 35 та рухсат берувчи ҳужжатлар тўлиқ бекор қилинди. Айримлари – бирлаштирилди, энди бир йўла бир неча лицензия (рухсатнома) расмийлаштиришга зарурат йўқ – битта ҳужжатнинг ўзи кифоя. 15 турдаги лицензия ва 35 та рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш муддатлари қисқартирилди, уларни олиш жараёни жаддаллаштирилди. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас.

Айрим турдаги фаолиятга лицензия бериш функциялари Вазирлар Маҳкамасидан қуйи турувчи идораларга ўтказилди. Баъзи лицензия ва рухсатномаларни республика органлари ўрнига энди уларнинг ҳудудий бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўрнига – туман (шаҳар) ҳокимликлари беради. Бу ҳам зарур ҳужжатларни олиш жараёнини соддалаштириб, қорғозбозликни камайтиришда ёрдам беради.

Айрим лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш жараёни соддалаштирилди. Асосан аризачилардан талаб қилинадиган ҳужжатлар сони қисқартирилди.

Энди бериладиган лицензияларнинг амал қилиш

муддати чекланмайди. Қуйидаги ҳуқуқни берадиган лицензиялар бундан мустасно:

➤ тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини амалга ошириш – 5 йил;

➤ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш – 5 йил;

➤ кўча радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш – 15 йилгача, бироқ камиди 5 йил, шунингдек телерадиозшиттиришларни тарқатиш – 5 йил;

➤ нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш – 5 йил.

Иккинчиси. Энди тадбиркорлик субъектлари, илгари мажбурий бўлган экспорт шартномасини тузмасдан ва экспорт учун банк комиссиясини тўламасдан, электрон савдо интернет-майдончалари орқали товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилишлари мумкин. Ушбу қоида татбиқ этилмайдиган айрим товарларни Вазирлар Маҳкамаси белгиллаши керак. Айни пайтда очик манбаларда бундай рўйхат эълон қилинмаган.

Бунда тадбиркорлар томонидан электрон тижоратдан фойдаланиш орқали сотиладиган товарлар айланмиси

уларнинг ҳажмидан қатъи назар, чакана савдо ҳисобланади. Бу, масалан, улгуржи савдога лицензия олиш заруратини истисно этади.

Учинчиси. Айрим ташкилотларнинг солиқ юки камайтирилди:

а) концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган, юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган микрофирма ва кичик корхоналар учун ЯСТ ставкаси 30%дан 5%гача пасайтирилди.

б) меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи ННТ учун ЯИТ ставкаси 15%дан кўп бўлмаган миқдорда белгиланди.

Ийрик ва майда шохли моллар, тери, мўйна, қорақўл хом ашёси ва жунни юридик шахсларга сотишда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмасдан ЖШДС бўйича имтиёз қўлланилади.

Тўртинчиси. 1 июндан бошлаб автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчилари давлат таълим муассасалари ёки таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган хусусий ташкилотларда малака оширишлари мумкин. Аввалига юридик шахсларга тегишли транспорт ҳайдовчиларининг малакасини ошириш бўйича алоҳида ҳуқуқ «Aviote Report» МЧЖга ва камиди 51%и унга тегишли бўлган ташкилотларга берилган эди.

Эслатиб ўтамиз, корпоратив автотранспорт ҳайдовчилари 2 йилда 1 марта малака оширишлари шарт. Бу якка тартибдаги тадбиркорларга

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

ХУМШ: давлат идоралари долзарб масалаларга доир чиқишларга қандай жавоб қайтарганлар

7-БЕТ

«Кундузги талаба»ни ишга қандай қабул қилиш мумкин

8-БЕТ

МЧЖ ходими тушумнинг қанчасига даъвогарлик қила олади?

2-бетда

2018 йил 1 июндан нима ўзгарди

1-бетда ҳамда қисқа муддатли ижара (прокат) ва лизинг асосида юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларини бошқараётган бошқа фуқароларга тегишли эмас.

Бешинчиси. Давлат хизматини олишни кўзлаётган барча шахслар Давлат хизматларининг ягона реестрига кириб кўришлари мумкин. Шу тариқа уни қаерда олиш мумкинлигини билиб оладилар: умумий сонидан (444 та хизмат тури) 31 таси давлат хизматлари марказларида (собиқ «ягона дарча» марказлари – тахр.), қолганлари эса – бевосита вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари, нотариал идоралар ва бошқа органлар томонидан кўрсатилади. Шунингдек реестрда хизмат пулли ёки бепул эканлиги қайд этилган. Бироқ энг асосийси – муайян хизмат рўйхатда бўлмаса – у кўрсатилмайди, бу тақиқланган.

Шуниси қизиқарлики, бутун мамлакат бўйлаб 14 та давлат хизматлари марказида тажриба ўтказила бошлади. Уларда 70–100 турдаги талаб юқори бўлган давлат хизматлари кўрсатилади. Бу марказларга стандарт тарзда кўрсатиш буюрилган хизматлардан анча кўп, бинобарин, улар бошқа давлат органлари бажарадиган ҳажмини қисман зиммаларига оладилар. Пойтахтдаги Юнусобод тумани Давлат хизматлари марказида тажриба ўтказилади. Натижаларга кўра, бир йилдан сўнг қолган барча давлат хизматлари марказларининг юқини ошириш мумкинлиги масаласи ҳал этилади.

Олтинчиси. Пиво, ароқ ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун йигим тўлашлари шарт. Улар соҳа вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Улар ишлаб чиқарадиган маҳсулот қиймати ошиши эҳтимолдан холи эмас.

Тўғри, йигимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби ҳали тасдиқланмаган. Молия вазирлигига Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда уни қабул қилиш вазифаси топширилган.

Еттинчиси. Ёзининг илк кунидан бошлаб телекоммуникация соҳасидаги қонунбузарликлар учун молиявий санкциялар (жарималар)нинг янги миқдорлари ва уларни ҳисоблаш тартиби амал қила бошлайди.

Саккизинчиси. 1 июндан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестри ишга туширилади. У мазкур шахслар, тайинланган пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва дори воситалари, кўрсатилган иқтисодий хизматлар ва берилган имтиёзлар тўғрисидаги комплекс маълумотларни ўз ичига олади.

Реестр мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни тезкор олиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашинуви амалга ошириш, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланиши ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини беради.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси ҳисоблаб чиқилади

Президентнинг 29.05.2018 йилдаги ижтимоий-иқтисодий соҳадаги илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга доир ПҚ-3752-сон қарори имзоланди.

1 Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макрокисодий тадқиқотлар институти Иқтисодий таъмирликни тасарруфига ўтказилди.

У:

- аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида иқтисодий либераллаштириш, мамлакатнинг интеллектуал, технологик ва инновацион потенциалини ошириш шароитида стратегик режалаштириш тизимининг илмий-методологик асосларини шакллантириш ҳамда мамлакатни қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш таъминлашга йўналтирилган концепциялар, комплекс, мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

- илгор хорижий тажриба асосида прогноз моделлаштиришнинг замонавий дастакларини ишлаб чиқиш, макрокисодий сиёсат чораларининг миллий иқтисодиёт, унинг алоҳида соҳалари ва ҳудудларига таъсирини баҳолаш;
- иқтисодиётда маҳаллий маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини, ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таркибий ўзгартиришларни ишлаб чиқиш, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва диверсификациялашнинг энг муҳим йўналишлари бўйича тақлифларни тайёрлаш;

- иқтисодиётни ислох қилиш ва либераллаштириш янада чуқурлаштириш, ҳусусий мулкнинг устувор ролини таъминлаш, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор услублари ва механизмларини кенг жорий этиш бўйича илмий асосланган тақлифларни тайёрлаш;

- ҳудудларнинг инвестицион ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, кичик бизнес, инновацион

тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва инвестицион муҳитни яхшилаш ҳисобига иқтисодиётдаги минтақалараро номунасосибликларни қисқартиришни назарда тутадиган ҳудудларни комплекс ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

- ресурс тежовчи илгор ва инновацион технологияларни жорий этишнинг стратегик йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлаш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш;

- мамлакатимизда озиқ-овқатнинг давлат захираси ва ҳавфсизлиги стратегиясини шакллантиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

- кейинчалик меҳнат ресурсларининг прогноз балансларини, шунингдек аҳолига тақдим этиладиган ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтиришга қаратилган инновацион чора-тадбирлар ва механизмларни ишлаб чиққан ҳолда демография ривожланишининг ўрта муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини шакллантириш;

- аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг турли кўрсаткичлари, фаровонлиги динамикаси, шу жумладан, унинг даромадлари миқдорлари ва манбаларини, истеъмол харажатлари таркибини тизимли равишда таҳлил қилиш;

- кейинчалик аҳолининг харид қобилияти янада ўсишини таъминлаш бўйича тақлифларни ишлаб чиққан ҳолда энг кам истеъмол саватчаси ва яшаш минимумини ҳисоб-китоб қилиш;

- оммавий ахборот воситалари ва илмий материалларда, маҳаллий ва хорижий экспертлар, бизнес доиралар вакилларини жалб қилган ҳолда конференциялар,

Тўққизинчиси. ННТ фаолиятига доир айрим жиҳатлар ўзгарди:

- рўйхатдан ўтказувчи орган билан ННТнинг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилади;

- хорижий донорлардан ёхуд уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

- Ўзбекистондаги ННТ учун ажратилган грант маблағлари уларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

- жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, вазийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган ҳақ ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 20%идан 30%гача ошди;

- ННТнинг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

Яна бир янгилик. Энди нодавлат ташкилотлари фуқароларни Ўзбекистон ҳудудига ишга жойлаштириш соҳасида пуллик хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ҳамюртларимизни хорижда ишга жойлаштириш билан шуғулланиш учун лицензия бўлиши зарур.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

«давра суҳбатлари» ва семинарларда иқтисодий ислохотлар натижалари кенг муҳокама қилинишини ташкил этиш билан шуғулланади.

2 Ижтимоий тадқиқотлар институти унга ижтимоий соҳада тадқиқотлар ўтказиш вазифалари юклатилган ҳолда Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтига айлантирилди. Илгари Вазирлар Маҳкамасига қарашли бўлган ушбу муассаса Молия вазирлигига қайта ўтказилди.

Қуйидагилар мазкур институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

- бюджет-солиқ ва божхона-тариф сиёсати соҳасида илмий-тадқиқот фундаментал ва амалий ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, уларни такомиллаштириш, бюджет жараёни ва солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш;

- бюджет-солиқ ва божхона-тариф сиёсатини такомиллаштириш масалалари бўйича Молия вазирлигини услубий ва таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

- молиявий секторни ривожлантириш таъминларини ҳамда бюджет-солиқ ва божхона-тариф сиёсати соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш,

- бюджетлаштириш услубларининг тизимли муаммоларини аниқлаш ва самарадорлигини ошириш, минтақаларнинг бюджет жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашига эришиш;

- Давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмини режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг инновацион услубларини, бюджет ташкилотларини молиялаштириш, бюджет тизими бюджетларини ижро этишнинг потенциал таваккалчиликларни шакллантирилиши устидан давлат молиявий назорати ва мониторинг механизmlарини ишлаб чиқиш;

- Пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш бўйича тақлифларни шакллантириш, бюджет, солиқ ва божхона қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- илмий тадқиқотлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан телевидение ва интернет-ресурсларда кенг ёритиш, шунингдек аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишда фаол иштирок этиш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.05.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Гаевой, «Norma» МЧЖ эксперти.

• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

– Давлат бюджети ижроси кўриб чиқилди

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Бизга жавоб бердилар

– Қйрай «газга босди»

– Ҳисоб-китобларни солиштирамиз

– Бадалларни ошириш тақлиф

қилинди. Қонунлар қаерда қолди?

– Кесиш мумкин эмасми

– Пойтахт ҳокимлиги дарахтлар ноқо-

нуний кесилишига қарши 3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Меҳнат дафтарчаси: тўлдириш

санаси – ҳисобварақ-фактура бўйича

– Бир неча қасбда ва лавозимда

ишлаш шартлари

– Ишловчи талаба – ўриндош эмас

7-бет

• ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш

– Шифокорга қанча мукофот тўлансин

8-бет

• ТАБИАТ ВА БИЗ

– Наҳанглар фарёди

8-бет



БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

Маърифий мавзудаги тўплам*

МУНДАРИЖА:

- ✓ Бизга жавоб бердилар
- ✓ Қибрай «газга босди»
- ✓ Ҳисоб-китобларни солиштирамиз

- ✓ Бадалларни ошириш таклиф қилинди. Қонунлар қаерда қолди?
- ✓ Кесиш мумкин эмасми
- ✓ Пойтахт ҳокимлиги дарахтлар ноқонуний кесилишига қарши



Бевосита алоқа

Бизга жавоб бердилар

Газета муаммо кўтарилган мақолани чоп этди. Хўш, ундан наф бўладими? Тахририят қатори ўқувчиларни ҳам масалани ҳал этадиганларнинг унга билдирган муносабати қизиқтиради. Бундай мақолаларда одатда далил қайд этиб қўя қолинмайди. Уларда муаммо ўрганилиб, уни ечиш йўллари таклиф этилади, қонунчилик таҳлил қилинади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилганда қандай йўл тутишлари лозимлиги тавсия этилади. Ўқувчилар бундай материалларни кўп ўқийдилар.

Мақола эълон қилингандан кейин кўриб чиқиш ва унда белгиланган муаммолар юзасидан жавоб олиш учун ваколатли органларга юборилади. Ҳар хил тузилмаларнинг муурожаатларимизга муносабатини таҳлил қилиб, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонун амалга оширилмаётганининг гувоҳи бўламиз. Қонун тўлақонли ишламаяпти. Хусусан, муурожаатларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатларига риоя этилмаяпти. Жавоблар қониқарли эмас. Давлат тузилмалари раҳбарлари кўпинча муаммонинг моҳияти билан қизиқмай, умумий сўзлар

билан чекланиб қўя қоладилар. Баъзан муурожаатлар асоссиз равишда бошқа давлат органларига кўриб чиқиш учун берилади. Бунда уларнинг ижроси лозим даражада назорат остига олинмайди. Яъни белгиланган механизм

Қонуннинг лозим даражада ижро этилмаслигига келиб тақалади.

Бугунги махсус сонимиз «Бизга жавоб бердилар» мавзусига бағишланади. Бу ўтган ярим йил давомида газеталаримиз саҳифаларида кўтарилган уй-жой соҳасидаги муаммолар ҳақидаги мақолаларга давлат тузилмаларининг муносабатлари ҳақидаги тахририят ҳисоботиدير.



*Тахририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Қибрай «газга босди»

(«Норма маслаҳатчи», 5.12.2017 йилдаги 49 (646)-сон)

Қибрай тумани аҳолиси хусусий турар жойда ёки кўп квартирали уйда яшовчи деярли ҳар бир мулкдор истеъмол қилинган газ учун қарздор бўлиб чиқаётганидан шикоят қилиб тахририятга мурожаат қилди.

Тумангаз идорасида навбат кутувчилар сони кўпайди. 1,5, 2, 3, 4 млн сўмлик асосий ҳисобланмалар қаердан пайдо бўлганлигининг тағига етиш мақсадида одамлар саҳарги соат 4 дан бошлаб навбат эгаллар эдилар. Навбат катталиги боис кўп фуқаролар абонент бўлимига бир неча кунлаб кира олмасдилар. Аксарият истеъмолчиларга 8 ва ҳатто 10 йил аввалги, сохта қарзлари борлиги рўқач қилинади. Уларнинг сохталари қарздорлик йўқлиги ҳақида илгари газчилар берган маълумотномалар, тўлов квитанциялари билан тасдиқланган эди.

Махсус мухбиримиз жойига чиқиб, мавжуд бўлмаган ҳисобланмалар ҳисобдаги тартибсизлик: инсофли истеъмолчиларга катта суммадаги сохта қарзлар ёзилиб, реал қарздорлардан эса қонунга хилоф равишда ҳисобдан чиқарилганлиги, — яъни етказиб берувчининг айби сабабли юзага келганлигини аниқлади. Абонентлар масалага оидинлик киритиш мақсадида сохта қарз ёзиб, уларнинг ҳуқуқларини мунтазам бузиб келган тузилмага қатнар эдилар. Навбат кутиб, газчиларнинг аввалги фирибгарликлари боис юзага чиққан қарзлари йўқлигини исботлашларига тўғри келар эди.

Бундан ташқари, тумангаз ходимлари ёппасига қисқартирилганлиги сабабли ҳам ҳисоб бетартиб бўлиб, узундан-узоқ навбатлар юзага келган эди. Илгари маълумотлар базасини мунтазам янгиллаб турадиган биронта оператор қолмаганди. Натижада у ярим йил давомида янгиланмаган. Тумангазда битта инспектор ҳам қолмаган эди. Ваҳоланки Қибрай туманида 46 мингга яқин газ истеъмол қилувчи абонентлар бор. Кадрларнинг бундай кескин қисқартирилиши кунлаб навбат кутишга олиб келди, мавжуд бўлмаган қарзлар, ҳисобнинг тўғри юритилиши билан боғлиқ муаммони янада чигаллаштирди. Абонент бўлимида фуқароларни қонунчиликдан беҳабар, буткул бошқа лавозим мажбуриятлари юклатилган... монтер қабул қилаётганини кўриб, вазият қанчалик аянчли бўлмасин, кишининг кулгиси қистайди.

Қарздорликни сўндиришга атиги 5 кун берилиши ҳам муаммони кескинлаштирган. Акс ҳолда — газ таъминоти тармоғидан узиб қўйилдилар, такоран улаш учун эса энг кам иш ҳақининг 2 бараварини тўлашларига тўғри келади. Бундай навбат кутишда бунчалик қисқа муддатда мавжуд бўлмаган қарз муаммосини ҳал этиш мушкул.

Тахририят «Ўзтрансгаз» АЖга мурожаат қилганда у «Тошкентгазтаъминот» УК бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи А.Райимовнинг жавобини йўллади. Унда айтилишича: «Президентнинг 30.06.2017 йилдаги ПҚ-3107-сон қарорига, шунингдек «Ўзтрансгаз» АЖ ва унинг бўлинмалари идоравий ҳужжатларига мувофиқ, газ таъминоти тузилмаларининг ишини ташкил этишда ўзгаришлар юз берган. Бу ходимлар сони қисқаришига олиб

келган. Хусусан, «Тошкентгазтаъминот» УК қошидаги «Қибрайтумангаз» филиали тугатилган. Айни пайтда «Қибрай туман газ таъминоти» участкасида истеъмол қилинган газ учун ўзаро ҳисоблашиш масалалари, шу жумладан жойига чиқиб қарздорликни ўз вақтида сўндириш зарурати юзасидан абонентлар билан суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда».

Газ таъминоти ташкилотлари вазифаларининг бир қисми, шу жумладан тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўла-нишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини қисқартириш Мажбурий ижро бюросига берилганлиги сабабли ходимлар сони қисқартирилган. Бироқ бундай қисқартириш ҳисобдаги тартибсизликка олиб келган бўлса, у қанчалик ўзини оқлади экан? Мавжуд бўлмаган қарзлар ҳисоблашини қисқартириш, тўғри ҳисоб юритишни йўлга қўйиш, ҳисобланмаларни солиштиришда навбат кутишларга барҳам бериш учун қандай чоралар қўрилатганлиги ҳақидаги саволимизга идора жавоб қайтармади.



Мавзуйий сони махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Ҳисоб-китобларни солиштирамиз

(«Норма маслаҳатчи», 5.12.2017 йилдаги 49 (646)-сон)

Энергия ресурслари, совуқ сув учун асоссиз қарзлар ҳисобланиши муаммоси илгаригидек долзарблигича қолмоқда. Мақолада Давлат рақобат қўмитаси (*бундан кейин – Қўмита, Монополияга қарши қўмита*) истеъмол қилинган коммунал маҳсулотлар учун низоли қарзларни солиштиришда Мажбурий ижро бюросига кўмаклашишга тайёр эканлиги ҳақида сўз юритилган эди. Биргаликда иш юритиш натижасида етказиб берувчиларнинг маълумотлар базаларида ҳисоб тўғри юритилишини, истеъмолчиларнинг шикоятлари сони қисқаришини, коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб келаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаган бўлар эдилар. У асоссиз қарзларга муносабат билдириш амалиётини ишлаб чиққан: улар қандай сабабга кўра шаклланишини, уларни қай тарзда фош этишни билади. Умуман олганда, низоли масалаларни ечиш билан ҳолис тараф шугулланиши лозим, Қўмита ана шундай тараф бўлиб чиқиши мумкин. Истеъмолчилар эса йил сайин ҳуқуқларини поймол қилаётган коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан илгаригидек мунозарага бормоқдалар.

Газ, электр энергияси, совуқ сув таъминоти учун қарз-ни ундириш билан Бюро бўлинмалари шугулланадилар. Реал қарздорлик бўлмаган ҳолатларда уни сўндириш учун қонунчилиқда белгиланган беш кун – жуда қисқа муддат. Абонент ёрдам сўраб Қўмитага мурожаат қилса ёки судга даъво аризаси берса, бу вақтни олади, иш кўриладиган бутун даврда уни етказиб берилаётган коммунал маҳсулотлардан узиб қўйишлари мумкин. Бу истеъмолчилар ҳуқуқларини бузишдир. Мақолада муаммо юзага келмаслиги учун Бюро ходимларига абонентни етказиб берилаётган коммунал маҳсулотлардан узиб қўйишдан аввал етказиб берувчиларнинг ахбороти ишончлилигини текшириш тақлиф қилинган.

Низоли қарзларни солиштиришда Монополияга қарши қўмита билан Бюро ҳамкорлигининг намунавий механизми ҳам тақлиф этилган. Бундай амалиёт Бухоро вилоятида муваффақиятли қўлланган. Модомики, у натижа берган бўлса, уни республикамизнинг бошқа минтақаларига ҳам татбиқ этиш лозим дея қайд этилган мақолада.

Мажбурий ижро бюроси директорининг ўринбосари Ш.Аминов тахририят мурожаатига жавобан *Президентининг 29.05.2017 йилдаги ПФ-5059-сон Фармонида Бюро органлари олдига бир қатор вазифалар қўйилганини, уларга мувофиқ нореал қарздорлиқни аниқлаш иши тизимли асосда олиб борилаётганлигини айтди. Аниқланган ҳар бир далил юзасидан тегишли қонуний қарор чиқарилмоқда. Мақолада Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи ПФ-5059-сон Фармонда кўрсатилган Бюро вазифаларини ёдга олмаган. Мазкур йўналишда*

тизимли иш олиб борилаётганига қарамай, айнан Бюро органлари ташаббусига кўра аниқланган айрим далилларгина тилга олинган.

Бироқ Давлат рақобат қўмитаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни; истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат ҳимоясини амалга оширмоқда; давлат органлари билан биргаликда уларни ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштирмоқда.

Афсуски, Бюро Давлат рақобат қўмитаси каби нуфузли ҳамда ваколатли органнинг амалий тақлифини қабул қилмади. Коммунал хизматлар учун асоссиз қарзлар ҳисоблаш, тўғри ҳисоб юритиш муаммоси кескинлигича қолаётган бугунги кунда бундай ҳамкорлиқни йўлга қўйиш маъқул иш бўлар эди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 15.02.2018 йилдаги ПФ-5343-сон Фармонида 2018 йил 1 майдан бошлаб шу жумладан истеъмол қилинган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун қарздорларнинг умумий қисмида қолган маълумотлар базаси жорий этилиши назарда тутилган эди. Бош прокуратурага уни бошқа идоралар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифасини топшириш тақлиф қилинган. Ҳозирча бу иш амалга оширилмади. Янги механизм жорий этилишидан аввал сохта эмас, балки реал қарздорларнинг абонент базаси тўғри шакллантирилган бўлиши лозим.



Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Бадалларни ошириш таклиф қилинди. Қонунлар қаерда қолди?

(«Норма маслаҳатчи», 6.02.2018 йилдаги 6 (655)-сон)

Мақолаларда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги ХУМШ фаолиятида қонунчилик кўпол равишда бузилаётганлиги ҳақида сўз борган. Мақолаларнинг мазмунини ёдингизга солаемиз.

Бадалларни ошириш таклиф қилинди. 2018 йил бошида туман ХУМШ уюшмаси иктимой тармоқларда турар ва нотурар жойлар мулкдорлари, шунингдек ХУМШ ташкил этмасдан уйларга хизмат кўрсатувчи мулкдорлар жамоалари учун умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар белгилашга доир тавсияларини тарқатди. Турар жойлар мулкдорларига – 1 м² учун 1 000–1 200 сўм миқдориди, нотурар жойлар мулкдорларига эса – 1 м² учун 2 200–2 500 сўм миқдориди.

Аслида кўп квартиралы уйларни (ККУ) тўғри бошқаришда ширкатларга ёрдам бериши лозим бўлган ХУМШ уюшмаси ККУдаги мажбурий бадаллар тумандаги барча кўп қаватли уйларнинг турар (ва нотурар) жойлари мулкдорлари учун бир хил бўла олмаслигини белгилловчи қонун ҳужжатларини бузиб, ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлигини намоён этди. Улар ширкат бошқаруви томонидан ишлар режаси, даромадлар ва харажатлар сметаси асосида ҳисоблаб чиқилади, умумий йиғилишда тасдиқланади. Бадалларни шу тариқа тенглаштиришни таклиф этган Уюшма ўз ваколатлари доирасидан чиққан, унинг тавсиялари ХУМШ ишларига ноқонуний аралаштишдан бошқа нарса эмас.

Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори билан УҚХ вазирлигига турар ва нотурар жойлар мулкдорлари учун бадалларнинг энг кам миқдорларини ҳар йили тасдиқлаш вазифаси топширилган. Бунда кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати ва конструктив хусусиятларидан келиб чиқиб уйларга алоҳида ёндашиш лозим. Бадалнинг энг кам миқдори – энг қуйи чегара бўлиб, у кредитлар сўндирилишини ҳисобга олган ҳолда уйлар сақланишини таъминлаши шарт. Ундан кам миқдор белгиланиши мумкин эмас, зарур бўлганда эса ундан юқори миқдорни белгилаш мумкин бўлади. Бу масалани ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ҳал этиши керак. Туман ХУМШ уюшмаси ҳуқуққа зид равишда, ширкатлар аъзоларини чағитиб ва қонунчиликни бузиб, бошқа ёндашуви тавсия этган.

Қонунлар қаерда қолди? 2018 йил бошида Мирзо Улуғбек туманида ширкатларни зудлик билан умумий йиғилиш ўтказишга мажбурлаш кампанияси бошланди. Ок-

руглар бошлиқлари ХУМШ раҳбарларига бир хил – айнан сўзма-сўз такорланган умумий йиғилиш баённомаларини тарқатдилар. Умумий йиғилиш ўтиш-ўтмаслиги муҳим эмас эди. Ширкатлар раҳбарларини баённомани имзолашга, муҳр босишга, айрим варақларда гуё ҳужжатнинг мазмунини «маъқулловчи» аҳоли имзоларини йиғишга мажбурладилар. Яъни ХУМШ раҳбарларини мансаб сохтакорлигига бошлаб, бош тортганларга эса босим ўтказдилар. Умумий йиғилишларни ўтказиш ва бир хил баённомаларни имзолашга ёппасига мажбурлаш ўзбошимчилик, қонун ҳужжатларини бузиш ва ширкат ишларига аралашув, унинг аъзоларини умумий мол-мулкни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга уриниш саналади.

Махсус мухбиримиз умумий йиғилиш баённомаси билан танишиб чиқиб, ҳужжатни ноқонуний деб топишга асос бўлувчи 19 та бандни топди. У тумандаги барча ХУМШ учун бир хил бўла олмайди, сабаби кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати турлича. Шу сабабли даромадлар ва харажатлар сметалари, умумий мол-мулкни сақлашга бадаллар ҳам

фарқланиши керак. Ҳужжатдаги ҳар бир қарор ва таклиф остида «Бир овоздан қабул қилинди» деб кўрсатилган. Яъни чет кишилар ХУМШ аъзоларига қандай қарорларни ёқлаб овоз беришларини буюрганлар. Баённомага биноан қонунга зид равишда ширкатлар раисларига кредитлар олиш тўғрисидаги қарорларни яққа ҳолда қабул қилиш ҳуқуқи берилган, айти пайтда бу ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг мутлақ ҳуқуқидир. Ҳужжатга кўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилганидек мулкдорлар эмас, балки раис ХУМШ уюшмасига кириш ва унга ЭКИХнинг 1,5%и миқдориди бадаллар тўлаш ҳақида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳужжатда ноқонуний равишда тумандаги турар жойлар мулкдорлари учун мажбурий бадал 1 м² учун ЭКИХнинг 0,6%и миқдориди, нотурар жойлар мулкдорлари учун эса – 1 м² учун 1,5% этиб белгиланган. Уйбошиллар фаолиятини рағбатлантириш ва бюджет ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида (!!!) ХУМШ раисига улар учун бадалнинг энг кам, ноль даражалигача бўлган миқдорини белгилаш ҳуқуқининг

Мавзуйий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

берилиши ҳам қонунбузарликлар сирасига киради. Бу бир гала текинхўрларни ХУМШ аъзолари гарданига юклаб, улар учун ҳам умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини зиммаларига олишлари кераклигини англатади. Хужжат НХХга зид бошқа жиҳатларни ҳам ўз ичига олган.

Ваколатли органлар ХУМШ уюшмасининг тавсияси ва умумий йиғилиш баённомасида қонунчиликка қанчалик риоя этилганлигига ҳуқуқий баҳо беришлари учун тахририят уларни шаҳар прокуратураси, шаҳар ва туман ҳокимликларига юборди.

Бизга жавоб бердилар. Ундан қоникмадик

Тошкент шаҳар ҳокимлиги тахририят мурожаатини **Мирзо Улугбек тумани ҳокимлигига** йўллаган. Туман ҳокими уринбосари С.Саидолимовнинг маълум қилишича, «Қонунлар қаерда қолди?» мақоласи кўриб чиқилиб, масала муҳокама этилган ва ижро учун қабул қилинган». Савол туғилади: қандай ижрога? Ҳар бир бандида НХХ кўпол равишда бузилган ХУМШ уюшмаси тавсиялари ва баённома ижросигами? Ижро деганда округлар бошлиқлари, ХУМШ уюшмаси раҳбарияти ва бошқаларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларини баҳолаш назарда тутилаётган бўлса, бошқа гап. Яна бир жиҳат: газета танқид қилиб чиққан ўша тавсияларнинг муаллифи бўлмиш ХУМШ уюшмаси раиси ушбу жавоб юзасидан ижрочи саналади.

«Норма маслаҳатчи» газетаси тахририятининг мурожаатига **Мирзо Улугбек тумани ҳокими уринбосари** С.Саидолимовнинг жавобини ҳам олди. Унда айтилишича, «Уюшма мажбурий бадаллар миқдорларини оширишни «тавсия этган». Уларни тасдиқлаш ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатига киради ва йиғилишнинг тегишли қарори билан белгиланади. ХУМШ уюшмаси унинг иштирокчилари (аъзолари) томонидан ихтиёрий асосда ташкил этилган, ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот ҳисобланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ,

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар 5 кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Бунда келиб тушган электрон мурожаат электрон шаклда юборилиши мумкин.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади
(«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси).

давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайдۇ. Шундан келиб чиққан ҳолда мажбурий бадаллар миқдорини тасдиқлаш масаласини ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг кўриб чиқиши учун қолдириб ва тавсия этилаётган (??? – И.Г.) мажбурий бадаллар миқдорларининг асослиги ҳақида ахборот олиш учун Уюшмага мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Умумий йиғилиш баённомасининг расмийлаштирилиши масаласи юзасидан шундай тушунтириш берамизки, баённома умумий йиғилиш котиби томонидан тузиладиган ҳамда унинг якунларига кўра йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланадиган ички ҳужжат ҳисобланади. «Хусусий уй-жой мулкдорла-

рининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ХУМШнинг фаолияти ихтиёрийлик, ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик, ўзини ўзи бошқариш, очиқлик ва ошқоралик, ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш, коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридagi рақобат, ХУМШ аъзолари олдида мунтазам ҳисобот бериш принципларига асосланади.

Шуни қайд этиш лозимки, Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ХУМШ билан ўзаро муносабатлари ширкатнинг ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда ташкил этилади. Бинобарин, умумий йиғилиш баённомаси ҳам ширкатлар томонидан мустақил равишда расмийлаштирилади».

Мақолада кўрсатилган, бунинг аксини намоиш этувчи муаммоларнинг моҳиятига кўра жавоб берилмаганини айтмаса, ҳаммаси тўғри. Тавсиялар ва баённомада кўрсатилган қонун-

Давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқишини таъминлаш чораларини кўради

(«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддаси).

бузарликларга қарши баҳслаша олмайсиз.

Тошкент шаҳар прокуратураси тахририятнинг мурожаатини Мирзо Улугбек тумани прокуратурасига юборган. У ўз навбатида – уни моҳиятига кўра қўриб чиқиб, тегишли чоралар қўриш учун УКХ вазирлигига йўллаган.

УКХ вазирлиги мурожаатни уй-жой инспекциясига берган. У ердагилар унга ўзгача муносабат билдирдилар:

тахририятга... асли ҳолида қайтардилар. Инспекция ходимлари прокуратура топшириғини бажаришни ва назорат органининг вазирликка берган топшириғида кўрсатилганидек, ариза-чи, яъни тахририятнинг мақолаларини қўриб чиқиш натижалари ҳақида хабар беришни лозим топмаганлар. Умумий йиғилиш баённомаси ва ХУМШ уюшмаси тавсиялари инспекция томонидан қўрилмаганича қолди.

Прокуратура, моҳиятан олган-

да, хужжатларга лозим даражада ҳуқуқий баҳо бермай, фақатгина бошқа идорага жўнатувчи орган бўлиб чиққан. «Норма маслаҳатчи» газетасидаги мақолалар юзасидан айтилган фикр-мулоҳазалар, шу жумладан ҳодисага ижтимоий тармоқлар орқали муносабат билдирилиши бундай сансалорликка барҳам бериш, амалдорларнинг қуруқ жавоблари ва ҳаракатсизлигига қарши туриш имконини яратди.

Кесиш мумкин эмасми

(«СБХ», 12.12.2017 йилдаги 50 (1218)-сон)

Амалдаги табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликдаги нуқсонларга қарамай, пойтахтимизда авж олган дарахтларни кесиш ҳолатларини қисқартиришнинг иложи бор. Ушбу жараёни назорат қилувчилар ўз мажбуриятларини виждонан бажарсалар бас – шунинг ўзи етарли. 2017 йил ноябрда пойтахтдаги Учтепа тумани Чилонзор 11-мавзесида ноқонуний кесиш мисолида бунга амин бўлиб, бу ҳақда мақола тайёрладим.

Браконьерлар бир неча кун ичида уйлар орасидаги кичик участкада 18 та соглом чинор ва шумтолларни аралаб ташладилар. Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бўйича биохил-маҳиллик ва қўриқланадиган табиат ҳудудларининг муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланилишини назорат қилувчи минтақавий инспекция (бундан кейин – инспекция) ноқонуний кесишга алоқадор шахсларга нисбатан чора кўра бошлаши учун **тўрт ой** керак бўлди. Масалани ўрганишни, вақтни талаб этувчи давлат аҳамиятига эга объект ҳақида эмас, балки кўчадан келган одамлар турар жой мавзесида пайдо бўлиб, худди ўт ўраётгандек дарахтларни тўсиқсиз кесадиған одатий ҳолат ҳақида сўз бораётган эди. Инспекторларни ўз ишини бажаришга мажбур қилиш учун вақт, асаб, анча-мунча куч сарфлашимизга тўғри келди.

Браконьерлар қарийб **бир ой** мавзе бўйлаб эркин ҳаракатланиб, бунинг устига уй аҳлига: «Шу пайтгача кесганимиз ва кесишда давом этамиз» дея таҳдид ҳам қилдилар. Аввалига инспекцияга мурожаат қилганимизда лозим даражада муносабат билдирмадилар. Инспекторларни устма-уст қўнғироқлардан ва ҳатто махсус муҳбиримиз инспекцияга бир неча марта

борганидан сўнг келиб кетавердилар. Тўнкаларни фотосуратга олиб, ўлчадилар, бироқ ишни охирига етказмай, бошқа объектларга кетиб қолдилар. Ҳатто уй аҳли дарахт кесувчиларнинг аррасини олиб қўйиб, инспекторга барча қонунбузарларни тутиб берганларида ҳам, уларни қўйиб юборди. Мана энди ҳақиқат қарор топади, дея ишонгинг келадиган ҳолат юз берди. Ноқонуний дарахт кесишига алоқадор барча шахслар газетанинг махсус муҳбири кўз ўнгига тушунтириш хатлари ёздилар. Инспектор баённома, далолатнома тузиб, албатта чора қўрилишига ишонтирди. Бироқ ҳаммаси оғизда қолиб кетгани кейин аён бўлди. Сон-саноксиз мурожаатлар, кадрлар билан боғлиқ ҳолат, ким нима учун жавоб бериши ва ишни ким охирига етказиши кераклигини аниқлаш давомида ҳаммаси унутилиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Матбуотнинг мурожаатига муносабат шуми?! У ҳолда фуқаролар ҳақида нима дейиш мумкин?

Мақола чоп этилгандан кейин масала қўйилмаган кўриниш олди. Тахририят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига мурожаат қилгандан кейин инспекторларнинг унга қайтишларига тўғри келди. Аввалига ноқонуний дарахт

кесиш далили юзасидан қўрилган чоралар тўғрисидаги жавоб ўрнига расмийлик учун ёзилган хатни олди: унда фош этиш ва олдини олиш бўйича эришилган натижалар; оғоҳ бўлиш зарурати, фаол фуқаролик позицияси, жамоатчилик назоратининг аҳамияти; аниқланган қонунбузарликлар статистикаси ҳақидаги умумий сўзлардан бошқа гап йўқ эди. Кўрсатилган манзил бўйича қўрилган чоралар ҳақида бир оғиз сўз дейилмаган эди. Ахир бу моҳиятига кўра жавоб эмас, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунни бузишдир.

Табиатни муҳофаза қилиш идорасига қайта мурожаат қилиб, Биохилмаҳиллик ва қўриқланадиган табиат ҳудудларининг муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланилишини назорат қилувчи инспекция (Биоинспекция) бошлиғи ўринбосари М.Орипжоновнинг жавобидан лол қолдик. Унинг хабарига кўра, Чилонзорнинг 11-мавзесидаги дарахтлар кесилишига дахлдор шахсларни қидириб топиш, сўнгра маъмурий жавобгарликка тортиш учун материаллар Учтепа тумани ИИБга... **2018 йил 1 март кuni** юборилган экан. Яъни **2017 йил ноябрда** юз берган ишлардан кейин **4 ой ўтиб!** Фақат

тахририят қатъият кўрсатиб, Экология давлат қўмитасига такроран мурожаат қилганидан кейин!!! Бунимаси? Тахририят бунга мажбур қилмагунча минтақавий инспекция ўз ишчини бажармаган. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас.

Биоинспекция бошлигининг ўринбосари хатда кўрилган чоралар ҳақида тахририятга қўшимча равишда хабар берилишини қайд этган. Ушундан буён яна 3 ой ўтди (мавзедаги дараклар ноқонуний кесилганига ва қонунбузарларга нисбатан чоралар кўрилмаганига эса – 7 ой!!!). Қонунбузар жавобгарликка тортилгани ҳақида ҳанузгача жавоб олмаганимизга қараганда, бу ишга охириги нукта қўйилмаган кўринади. Ишга ана шундай муносабатда бўлган ҳолда, самарали назорат ҳақида сўз юритиш, айбни қонунчиликдаги нуқсонларга тўнқаш, бошқа сабабларни рўқач қилиш мумкинми? Инспекция ходимларининг ҳаракатсизлиги туфайли жазосиз қолган бизнинг браконьер шу лойиҳа ичиде яна қанча дарактни қуришига улгурди экан?

Энди қидирув тадбирлари ва қонунбузарни маъмурий жавобгарликка тортишга келсак. Дарахт кесувчиларнинг бригадир ўз фамилиясини айтишдан бош тортиди – фақат исмини айтди. Демак, унинг шахсини аниқлаш, қидирувга бериш лозим – тартиб ана шундай, шундан кейингина жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Бироқ уни мавзедагиларнинг барчаси: участка нозирдан тартиб округ бошлиғи ва маҳалла раисигача танийди. Инспекторда унинг телефон рақами бор. Ҳатто бригадир тушунтириш хати ёзиш учун инспекцияга келган эди. Энг ачинарлиси, бизнинг ҳолатдан олдин ҳам унга ноқонуний дарахт кесгани учун жарима солганлар. Демак, қонунбузарнинг шахси аниқланган, аввалги қонунбузарлик далили билан боғлиқ материалларни кўтариш, яъни ҳаракат қилиш ва ишга киришишга ҳоҳиш билдиришнинг ўзи kifoya. Демак, қонунбузарни қидириш учун ТИИБга ҳужжатларни тақдим этишга зарурат бўлмаган экан. Лоқайдликлари, эътиборсизликлари, ўзларини ишлаётгандек қилиб кўрсатишлари яққол кўриниб турибди.

Бугунги кунда пойтахтимиз маъмурияти дарахтларни қонунга ҳилоф равишда кесишдан ҳимоялаш чораларини кўраётган бир пайтда бу ҳолат янада долзарб аҳамият касб этади. Ҳокимлик қарорлари қанчалик макбул бўлмасин, ҳамма гап ишга бундай муносабатда ҳаммасини йўққа чиқаришлари мумкин бўлган ижрочиларда қолган.

Тўғри, 2,4 миллионлик мегаполисни транспортга эга бўлмаган 7 нафар инспекторнинг кучи билан назорат қилишнинг имкони йўқ. Шундай экан, муаммони ечишни шундан бошланг, хурматли шаҳар ҳукумати! Инспекцияни кадрлар, транспорт билан таъминлашдан; уни тасодифий кишилар билан эмас, балки махсус билимга эга мутахассислар орқали мустаҳкамланг. Тўғриси, виждонли, юрагиде ўти бор, ҳар битта дарахт учун фидокорона курашадиган, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўймайдиганлар билан. Ишни чала бажариб, киши кўзига иш қилмайдиганларни тайинланг. Акс ҳолда ўрнимиздан жилмай қолаверамиз. Бунда энг мукамал қонунлар ҳам иш бермайди.



Лойиҳа муҳокамаси

Пойтахт ҳокимлиги дарахтлар ноқонуний кесилишига қарши

Пойтахтимизда дарахтларни кенг миқёсда кесишга барҳам берилишига умид пайдо бўлди. Тошкент ҳокимлиги ушбу йўналишда дастлабки қадамларни қўйди. ҚХТБТ порталида ҳокимлиқнинг дарахтларни ноқонуний кесишдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисидаги қарори лойиҳаси жойлаштирилган. Унда тадбиркорларга турли объектларни қуриш учун ер участкаларини ажратишда яшил дарахтларни муҳофаза қилиш тўғрисида ҳам сўз юритилгани муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда бу масала жуда долзарб.

Дарахтларни ёппасига қириш муаммоси фожиали тус олиб, назорат остида деярли чиқиб кетди. Пойтахтнинг яшил харитаси кўз ўнгимизда кичрайиб бормоқда. Соғлом, бақувват, аксарияти ноёб навли дарахтлар тиф остида қолмоқда.

Шаҳар тобора ўсиб, катталашаяпти. Ижтимоий-иқтисодий объектларни қуришда ҳар доим ҳам дарахтларни сақлаб қолиб бўлмаслиги аён. Бироқ кейинги пайтда улкан шаҳарсозлик лойиҳаларини амалга ошириш чоғида яшил фондга тажовузкорона ёндашув қўлланилмоқда, дарахтларнинг ёппасига қўлатилиши ҳар доим ҳам ўзини оқламайпти. Лойиҳа ечимларида уларни илоҳи борича

сақлаб қолиш назарда тутилмай, уй-жой мавзёлари интенсив қурилиши бунга замин яратмоқда.

Экологик экспертиза кўпгина кесил ҳолатларига тўсқинлик қилган бўлар эди. Унинг ўринли сўзлари арра товуши остида эшитилмай қолган кўринади. Зеро қонун ҳужжатларига кўра шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари, давлат дастурлари, концепциялари, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш схемалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш лойиҳалари экологик экспертиза объектлари саналади. У ер участкалари ажратиб берилаётганда ҳам ўтказилиши керак. Экологик экс-

пертиза сўнги вақтда дарахтларнинг ёппасига кесилишини назарда тутувчи лойиҳани амалга оширишни таққиллаганига ёки уларни сақлаб қолиш учун унга тузатишлар киритишни қатъий талаб қилганига мисол келтира оламизми? Зеро илгари бундай далиллар учраб эди. Бугунги кунда ҳудудларни яшил дарахтлардан легал тарзда тозалаш чоғида асосан қорувчиларнинг табиати муҳофазаси қилиш идорасига компенсация тўловлари тўлаши билан чекланилмоқда. Ўрни пулини тўлаб қўйиб, кесаверинг қабилида иш қилинмоқда. Бироқ бу тўловлар атроф муҳитга, пойтахтнинг қўрилишига, аҳолига етказилаётган зарарнинг ўрнини қоплай олмайди. Бу зарарни дарахт экиб ҳам қоплаб бўлмайди. Қўчлар ўсиб, тўлақонли шаклланишини бир неча йил қуттишга тўғри келади. Натижада пойтахтимизда **қўрилиш ишларида легал кесиш ноқонуний кесилдан кўра кўпроқ хавф туғдирадиган вазият юзага келди**. Шаҳар ҳокимияти бунга муносиб баҳо бериб, пойтахтнинг яшил фондини йўқотиш микёси ҳақида бонг ураётган фуқароларни эшитганликларига ишонгимиз келади.

Шаҳар маъмуриятининг дарахтларни сақлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги муҳомамага чиқарилган қарори лойиҳаси — тўхтовсиз кесиш ҳолатларига барҳам беришга қаратилган ilk амалий қадам. Бунга жуда ишонгимиз келади. Унда ер участкаларини ажратиш чоғида Архитектура бош бошқармасининг хулосасида участкада жойлашган дарахтларни илоҳи борица сақлаб қолиш учун улар ҳақида батафсил маълумотларни (сони, нави, тури ва ҳ.к.) кўрсатиш назарда тутилган. Бунда объектларни қуриш чоғида табиати муҳофазаси қилиш талабларини қатъийлаштириш ҳақида сўз бормоқда, бу жуда долзарб муаммага айланб улгурган.

Шунингдек 1 сентябрдан бошлаб дарахт кесиш ва уларни буталаш ишларининг Экология давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилмаҳиллик ва қўриқланадиган табиат ҳудудларининг муҳофазаси қилиниши ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш инспекцияси берган рухсатнома асосида фақат ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилиши таққил этилган. Бироқ айни пайтда ҳам рухсатномани фақат ҳокимлик қарори асосида табиати муҳофазаси қилувчи идора беради. Бу ҳокимликларни рухсатномалар бериш жараёнидан четлатиб, ўшбу вазифани фақат Биоинспекция зиммасида қолдириш кўзда тутилмаётганини анигладимиз? Бу дарахтларни ҳимоя қилиш ва сақлаш ишида улкан силжиш бўлиб, умуман олганда рухсат бериш тартиб-таомилни осонлаштирган, ҳокимликларнинг суниётеъмоличилигини қисқартирган бўлар эди. Эслатиб ўтамиз, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ дарахтларни кесиш тўғрисидаги қарорни ҳокимлик қабул қилиб, уни Биоинспекциянинг минтақавий бўлинимасига йўллади. Инспектор жойга чиқиб, текширув далолатномасини тузди, хулоса чиқаради, уни Экология давлат қўмитасининг комиссиясига юборади, у эса кесилишга рухсатнома беради. Туман ҳокимликларининг қонунбузарликларига йўл очувчи мураккаб таомил. Рухсатнома беришга бошқа тузилмаларнинг аралашувига йўл қўймай, табиати муҳофазаси қилувчи идора қўлида бўлиши керак.

Дарахтларни кесиш ва буталашга мутлақ ҳуқуқни туман ободонлаштириш бўлинималарига бериш таққил этилмоқда. Бу назоратни қучайтириш, ҳуфия кесувчиларни истисно этиш билан боғлиқ. Бироқ, экологларнинг сўзларига қараганда, ободонлаштириш бошқармаларидаги кўп ходимларнинг ўзи браконьер ҳисобланади. Бу ҳолда қонунчилиқда назарда тутилган, бироқ самара бермаётган легал кесиш устидан назорат қилиш масаласини ҳам ўртага қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ҳужжат лойиҳасида ҳокимликнинг Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимида Дарахтлар ва кўп йиллик ўсимликларни қилиш бошқармасини ташкил этиш назарда тутилган. Унинг вазифалари унча тушунарли эмас. Яна битта табиати муҳофазаси қилиш ташкилотини, бунинг устига дарахтларни кесишга доир мутлақ ҳуқуқ унга топширилиши қўзланаётган тузилма ҳузурида ташкил этиш шартмикин? Ўрни кесиб бўлиб, ҳимоя остига оладиларми?

Лойиҳада компенсация тариқасида экиш масаласига ҳам аниқлик киритилган. Ер майдони ажратилган ҳудудда қўрилиш ёки бошқа ишларни амалга ошириш учун дарахт кесишга рухсатнома беришда қўшимча равишда ҳар бир дарахтга қўшимча 10 туп дарахт экиш таққил қилинмоқда. Бироқ ўшбу принципни фақат ер участкалари ажратиш билан боғламай, ҳар қандай кесилишга таққил этиш зарур.

Кесилиш берилган рухсатномалар реестрларини электрон тарзда жойлаштириш режалаштирилмоқда, умуман олганда, бу қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Бу аҳолига кесилишнинг қонунийлигини текшириш имконини яратиб, шу орқали инспекторларга ёрдам беради. Бу масалани журналистлар бир неча йиллардан буён қўтариб келаётган, бироқ у натижа бермаётган эди. Бироқ нима сабабдан уларни кесилишга рухсатнома берадиган ва реестрларни шакллантирадиган табиати муҳофазаси қилиш идораси сайтида эмас, балки ҳокимлик сайтида жойлаштириш таққил этилмоқда?

Яна бир муҳим жиҳат. Аслида яшил дарахтларни сақлаш масалалари маҳалла қўмиталарининг вазифасига кирса ҳам, бугунги кунда улар юз бераётган ҳодисани четдан бефарқ томоша қилиб турибдилар. Улар, участка нозирлари сингари, мавзеда қандай ҳодисалар рўй бераётганидан хабардор бўладилар, рухсатномани текширишлари, у бўлмаганда экологларга хабар беришлари мумкин. Қарор лойиҳасида маҳалла фуқаролар йиғини ва участка нозирларини дарахт кесиш учун берилган рухсатномалар ҳақида хабардор қилиш таққил этилган. Ўрни ваколатли органнинг сайтини очиб, реестрлар ёрдамида.

Дарахтларни қонунга хилоф кесилдан ҳимоя қилиш муаммоси «СБХ»нинг 12.12.2017 йилдаги 50 (1218)-сонида чоп этилган «Кесиш мумкин эмасми» мақоласида жиддий ўрганилган. Унда пойтахтдаги дарахтларнинг сақлаб қолинишини самарали назорат қилишга тўсқинлик қилувчи сабаблар, уларни ҳал этиш йўллари, қонунчиликни такомиллаштиришга доир таққиллар, фуқаролар ноқонуний кесиш ҳолатларига тўқнаш келганда қандай йўл тутишлари ҳақидаги тавсиялар қайд этилган.

Меҳнат дафтарчаси: тўлдириш санаси – ҳисобварақ-фактура бўйича

Ходимни 3 майда ишга қабул қилдик, меҳнат дафтарчасини эса Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш марказидан 22 майда олдик.

Меҳнат дафтарчасининг титул варагини тўлдириш чоғида қайси санани кўрсатиш зарур – ҳисобварақ-фактура бўйича олинган сананими ёки ходимни қабул қилиш санасиними? М.Черединова, бош бухгалтер ўринбосари.



– Меҳнат дафтарчасининг биринчи бетида меҳнат дафтарчасини тўлдириш санаси кўрсатилади.

Бу «Тўлдирилган санаси» устуни номининг маъносидан келиб чиқади (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 1.1-банди). Меҳнат даф-

тарчаси ташкилотда 5 кундан ортиқ ишлаган ходимлар учун тўлдирилади. Ташкилотда меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари сақланадиган бўлса, буни қилиш осон. Ходимга меҳнат дафтарчаси Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш марказидан буюртириб олинандиган бўлса – у олингандан кейин,

ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган санадан олдин эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳнат дафтарчасини тўлдириш санаси ходимни ишга қабул қилиш санаси билан мос келмайди.

Ходимни ишга қабул қилиш санаси эса «Ходим тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида кўрсатилади.

Дипломсиз иш

Фармацевтика компанияси фармацевтика препаратларини чакана ва улгуржи сотиш билан шўғулланади. Олий таълим муассасаларининг айрим талабалари ўқишдан бўш вақтларида бизда ишлашни хоҳлайдилар.

Олий таълим муассасаларининг талабаларини қайси курсдан бошлаб ишга қабул қилиш мумкин?

Кадрлар бўлими инспектори.



– Олий таълим муассасаларининг талабалари, неча йил ўқигандан (қайси курсда эканлигидан) қатъи назар, ўқишдан бўш вақтларида меҳнат фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Ихтисосликка эга бўлмаган талаба муайян маълумот ёки ихтисосликни талаб этмайдиган лавозимларда ишлаши мумкин.

Талабани ишга қабул қилаёт-

ганда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида (ВМнинг 4.10.2017 йилдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган) кўрсатилган таълим даражасига энг кам талаблар билан танишиб чиқиш зарур.

Бюджет ташкилотларида ушбу талабларга риоя этиш мажбурий, бюджетдан молияланмайдиган

ташкилотлар учун эса тавсия тусига эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз, дорихона ёки дорихона филиали мудри олий фармацевтик маълумотга эга бўлиши шарт. Бунда фармацевт ассистенти (ёрдамчиси) ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлиши мумкин (Низомнинг 8-банди, ВМнинг 12.05.2017 йилдаги 284-сон қарорига 1-илова).

Бош бухгалтер меҳнат таътилига чиқмоқда. Бош бухгалтер ўринбосарининг лавозим йўриқномасида бош бухгалтер меҳнат таътилига чиқиши ёки касаллиги сабабли ишда бўлмаган вақтда ўринбосар унинг мажбуриятларини бажариши қайд этилган. Бош бухгалтернинг мажбуриятларини бажариши унинг ўринбосарига буйруқ билан юклаш ва унга қўшимча ҳақ тўлаш керакми?

Ф.Абдуллаева.

Бир неча касбда ва лавозимда ишлаш шартлари

– Бош бухгалтер мажбуриятларини унинг ўринбосарига юклаш тўғрисида қўшимча буйруқ чиқариш мажбурий эмас, агар:

➢ корхонанинг локал ҳужжатида бош бухгалтер ўринбосарига иккинчи имзони қўйиш ҳуқуқи берилган бўлса;

➢ ташкилотга хизмат кўрсатувчи банкда унинг имзо намунаси бўлса;

➢ бош бухгалтер ўринбосарининг лавозим йўриқномасида бош бухгалтер бўлмаган пайтда (таътил, вақтинча ишга лаёқатсизлик, хизмат сафари ва б.) унинг мажбуриятларини бажариши назарда тутилган бўлса.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда ушбу масала юзасидан буйруқ чиқариши ёки бош бухгалтерга таътил бериш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган даврда унинг мажбуриятлари кимга ва қандай шартларда юклатилишини алоҳида бандда кўрсатишни тавсия этамиз.

Ушбу буйруқ, агар бу назарда тутилган бўлса, ходимга қўшимча ҳақ тўлаш ва хизмат кўрсатувчи банкда имзо намунасини расмийлаштириш учун асос бўлади.

Бюджет ташкилотларида бир неча касбда ва лавозимда ишлаётганлик учун қўшимча ҳақ шундай касб ва лавозимдаги иш асосий иш бўйича меҳнат мажбуриятларига киритилган ҳолларда белгиланмайди (Низомнинг 25-банди 2-хатбошиси, ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарорига илова). Низомнинг 23–25-бандларида бошқа ҳолларда бир неча касбда ва лавозимда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш тартиби белгиланган.

Ишловчи талаба – ўриндош эмас

Бошқа ташкилотда фармацевт ассистенти бўлиб ишлаган қизни фармацевтика компаниямизга ишга қабул қилдик. Даромадлари тўғрисидаги маълумотномага кўра, у ерда унга даромад ҳисобланган ва барча солиқлар тўланган. Бироқ ўша пайтда институтнинг кундузги бўлимида ўқиганлигини (институт берган маълумотнома бор) рўқач қилиб, унга меҳнат дафтарчасини очишдан бош тортганлар. Ҳатто унга архив маълумотномасини ёзиб берганлар, унда у ўриндошлик асосида ишлаганлиги қайд этилган. Аслида меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида сақланадиган шахс ўриндош ҳисобланади, талабалар олий таълим муассасасида ўқишлари сабабли улар учун меҳнат дафтарчаларини юритмайди.

Корхона олий таълим муассасасида ўқийдиган ва бошқа ҳеч қаерда ишламайдиган ходимга меҳнат дафтарчасини очиши керакми? Л.Азимова.

– Иш берувчидаги иш ўқишдан бўш вақтидаги асосий иш ҳисобланса, олий таълим муассасаси талабаси учун меҳнат дафтарчаси очилади.

Авалли ташкилотда эса сиз ишга расмийлаштираётган ходим ўриндошлик асосида ишлаган. Иш берувчи олий таълим муассасасининг маълумотномасини асосий иш жойидан маълумотнома ўрнида хато равишда қабул қилиб, ходимда меҳнат дафтарчаси йўқлигига унча аҳамият бермаган.

Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойи-

дан бериладиган маълумотномада (АВ томонидан 29.01.2013 йилда 2417-сон билан рўйхатдан ўтказилган) меҳнат дафтарчаси бўлиши кераклиги кўрсатилмаган.

Талабани ўриндошлик асосида ишга қабул қилганлик, у ерда меҳнат дафтарчасини расмийлаштириш бўйича қилинган хатони тўғрилашнинг иложи йўқ – меҳнат дафтарчасини расмийлаштириш учун белгиланган вақт ва муддат ўтиб кетган. Ходим ушбу хатони мустақил равишда, ҳатто судга мурожаат қилиб исботлашига тўғри келади.

Сиз эса ўз навбатида уни талаб этиладиган ҳужжатларсиз ишга расмийлаштира олмайсиз.

Ходим билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномасини тузиб, унга меҳнат дафтарчасини очиш мумкин. Меҳнат дафтарчасини тўлдириш чоғида «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида аввало олий таълим муассасасидаги ўқиш ҳақидаги ёзув қайд этилади (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 2.17-банди). Сўнгра ташкилотингизга қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Ходим ўриндошлик асосидаги иш вақтини меҳнат дафтарчасига киритишни сўраса (ёзма равишда), сиз ишга қабул қилганлик тўғрисидаги ёзувдан кейин ходимни ўриндошлик асосида ишга қабул қилган иш берувчининг буйруғига мувофиқ ушбу ёзувни меҳнат дафтарчасига қайд этишингиз керак бўлади. Ходимнинг ишдан бўшганлиги тўғрисидаги ёзув ҳам худди шу тартибда киритилади (Йўриқноманинг 2.12-банди). Бу ҳолда хронологик тартибнинг бузилиши (ўриндошлик асосида ишдан кейин асосий иш жойига қабул қилинган) аҳамиятга эга эмас.



Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига фаолият тури, мулк ва ҳужалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса, шунингдек олий таълим муассасаларида ўқиш қўшиб ҳисобланади. Бироқ кўрсатилган даврлар бир вақтнинг ўзига бир даврга тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг хоҳишига кўра фақат бир давр қўшиб ҳисобланади (Низомнинг 36-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш

«А» корхонанинг «В» корхонадан қарзи бор, ўз навбатида «В» корхонанинг ҳам «С» корхонадан қарзи бор. Айтинг-чи, «В» корхона ўзининг дебиторлик қарзини уч томонлама шартнома тузиш орқали «С» корхонага ўтказса бўладими? Шунда «А» корхона «С» корхонадан қарз бўлади.

Фирма бухгалтери.

— Ҳа, кредиторга («В» корхонага) тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга («С» корхонага) ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) мумкин (ФКнинг 313-моддаси).

Фақат бунда кредиторнинг ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишига «А» ва «В» корхоналар ўртасидаги асосий шартномада тақиқ бўлмаса, йўл қўйилади (ОХС Пленумининг 28.02.2003 йилдаги 110-сон қарорининг 1-банди, кейинги ўринларда — Қарор).

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш асослари ва тартиби Фуқаролик кодексининг 313-317, 319-321-моддалари билан тартибга солинади.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси икки тарафла-

ма («В» ва «С» корхоналар ўртасида), оддий ёзма шаклда тузилади (ФКнинг 320-моддаси).

Талаб қилиш ҳуқуқи ўтган янги кредитор (сизнинг вазиятингизда «С» корхонаси) қарздори бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда у бундай хабар бермаслик туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади (Қарорнинг 8-банди).

Кейинчалик қарздор томонидан мажбурият бажарилиши юзасидан эҳтимолий тўқинликларнинг олдини олиш мақсадида келишув тарафларига келишувни камида 3 асл нусхада расмийлаштириш тавсия этилади, чунки улардан бири қарздорга жўнатиладиган талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлиги тўғрисидаги хабарномага илова қилинади.

Тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган ҳўжалик ҳисобидаги корхонамизда шифокорлар ўзлари корхона ҳисобрақамига тушираётган сумманинг қанча фоизини иш ҳақи ёки мукофот тарзида берилишини талаб қила оладилар?

МЧЖ бош бухгалтери.

Шифокорга қанча мукофот тўлансин

— Меҳнат ҳақи миқдори Меҳнат кодексига белгиланган тартибда иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди (МКнинг 153-моддаси 1-қисми).

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ло-

кал ҳужжатларда (мисол учун, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомларда) белгиланади (МКнинг 153-моддаси 2-қисми).

Ходим унинг бажардиган ишидан келиб чиқиб унга ҳақ тўлаш, унинг меҳнатини мукофотлаш ёки бошқача тарзда унга устама белгиланиш талаб

қилишга, башарти бу шартлар юқорида келтирилган локал ҳужжатларда белгиланган тақдирда ҳақли бўлади.

Сизнинг ҳолатингизда, агар корхона раҳбари ходимнинг талабига қарши бўлмаса, ушбу ҳолатларни аввал локал ҳужжатда (жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом ва ҳ.к.) белгилаб қўйиши керак. Шунда ушбу локал ҳужжат тегишли тўловларга асос бўлади.

Жамолиддин Ваккасов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ТАБИАТ ВА БИЗ

Наҳанглар фарёди

Пластик чиқиндилар сабабли сув жониворлари ҳаёти жиддий хавф остида қолмоқда

The Independent нашрининг ёзишича, Тайланд жанубида 80 та пластик халтачани ютиб юборган дельфин нобуд бўлган. Уни қутқаришга ҳаракат қилган зоологларнинг таъкидлашича, жониворнинг ошқозони ва халқумида жами оғирлиги саккиз килограмм бўлган пакетлар тиқилиб қолган ва бу озуқани ютиш ҳамда ҳазм қилишга тўқинлик қилган.

Биолог-океанограф Тон Тамронгнавасаватнинг қайд этишича, ҳар йили Тайландда пластик чиқиндилар сабабли 300 дан кўпроқ дельфин, тошбақа ва кит каби сув ҳайвонлари ҳалок бўлади.

Қора дельфинларнинг узунлиги 8 метргача, вазни эса 3 тоннагача етиши мумкин. Улар дўстона характери билан ажралиб туради ва катта тўдаларга бирлашиб узоқ масофаларга кўчиб яшайдилар.

Маълумотларга қараганда ҳар йили дунё океанига 8 млн тонна пластик ташланади. Хитой, Индонезия, Филиппин, Вьетнам ва Тайланд — атроф-муҳитга энг кўп зарар етказётган мамлакатлар саналади. Бу беш давлат ҳиссасига барча пластик чиқиндиларнинг ярми-

дан ортиғи тўғри келади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, агар тез орада жиддий ёчимлар топилмаса, 10 йилдан сўнг дунё океанларидаги пластик чиқинди ҳажми уч баробарга ортади.

Сал аввалроқ, дунёнинг энг чуқур жойи бўлган Мариана ботиғида, 10 км дан кўпроқ чуқурликда ҳам пластик пакет аниқлангани хабар берилганди. Япониянинг ер ва денгизни ўрганиш бўйича фанлар ва технологиялар агентлиги лойиҳаси JAMSTEC тадқиқотчиларининг фикрича, ушбу топилма океаннинг қанчалик катта қўламда ифлосланганига аёқол далилдир.



30 йил давом этган лойиҳа доирасида тадқиқотчилар океаннинг энг чуқур жойларида 3 мингдан кўпроқ турли чиқинди аниқлашган.

Олимлар пластик чиқиндилар чуқур сув ости экотизимларига тузатиб бўлмас зиён етказиши мумкинлигидан хавотирда.

ЎзА материали асосида.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Иқтисодий-ҳўқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Савидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашри — «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатиши — 186. Ҳар бир бичма — А3. Ҳажми — 2 босма табоқ. Билвосси келишган нархда.
Буюртма 271. Адади 870. Газета 2018 йил 4 июнь соат 15.30 да тошқирилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалари
буйича 200-00-30.

«Norma» АҚТ буйича — 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш буйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.